


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент 2019



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Миллий рассомлик ва дизайн институти
- Ўзбекистон Бадий Академияси

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «17» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.2.	5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2.	5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3.	5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	7
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	7
3.2.	5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10

1. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

– тасвирий санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, миллий ва жаҳон тасвирий ва амалий санъати, ҳамда бошқа санъат турларининг ривожланишини, тажрибасини, ҳозирги жамиятдаги мавқеини, педагогик фаолиятнинг усуллариини ўрганиш ва тадқиқ қилишга

йўналтирилган воситалар, усуллар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.2. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияти объектлари

– портрет, манзара, натюрморт, маиший, батал ва тарихий жанрларидаги асарлар яратиш жараёнлари.

– умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларидаги таълим тарбия жараёни.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши назарда тутилади.

5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- тасвирлаш жараёнларини ва босқичларини ўрганиш;
- тасвирлашда рангларни тўғри ишлата билиш;
- дастгоҳли рангтасвир техника ва технологиясини эгаллаш;
- дастгоҳли рангтасвир соҳасидаги замонавий техник манбаларни қўллаш (компьютер дастурлар, электрон график планшет);
- касбий таълим дидактикаси;
- касбий таълим педагогикаси ва таъхис технологияси;
- ўқитишнинг дидактик воситалари;
- компьютер технологияларидан фойдаланиш;
- таълимнинг электрон воситалари;
- умумий ўрта ва ўрта махсус касб ҳунар таълим тизимидаги ўрни ва роли

1.2.3. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ижодий фаолият;
- илмий -тадқиқот фаолияти;
- ишлаб чиқариш фаолияти;
- педагогик фаолият (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);
- ташкилий-бошқарув соҳасидаги фаолият.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:

5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни қуйидаги мутахассисликларда давом эттириши мумкин:

5A150800 – Рангтасвир (маҳобатли рангтасвир);

5A150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) магистратурада мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

-дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

-Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

-табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

-инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳукукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

-ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

-тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

-янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

-таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

-тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

-кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;
- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- ижодий асар лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, методлар, дастурий ечимлар, воситаларни ишлаб чиқиш;
- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал изланишларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- ўтказилаётган ижодий изланишлар мавзуси бўйича образларни ишлаб чиқиш,
- композиция элементларини қайта ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- архитектура фазовийлигини ташкил этишда ифодали воситаларнинг замонавий спецификасини билиш;
- мавзули композицияни яратишда фикрлаш методларини қўллаш;
- меъморий объектлар(деворий асар)ни яратишда худудий бадий мактаб анъаналаридан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Ижодий фаолиятда:

- республика ва халқаро миқёсида ўтказиладиган кўргазма ва танловларда фаол иштирок этиш;
- мутақиллик йилларида мамлакатимизда содир этилаётган ижобий ўзгаришларни дизайн асарларда ва рекламанинг йўналишининг янги турларида акс эттириб, нашр этилаётган католог ва албомларда чоп этиш;
- портрет; манзара; натюрморт; майший; тарихий; батал жанрларида; республика ва хорижда чоп этилган Тасвирий санъатга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; тасвирий санъат асари бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тadbик қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тadbик этиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- турли фикрлилик шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

Педагогик фаолиятда (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича умумкасбий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машгулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машгулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

3. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқирилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштирилиши назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

Табиий илмий фанлар бўйича:

Фуқоролик жамияти, Фалсафа, Диншунослик, Ўзбек (рус) тили, Хорижий тил Жисмоний тарбия ва спорт, Санъат соҳасида ахборот технологиялар, Компьютер графикаси дастурларини ишлата билиш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги урни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

– Перспектива фани проекциялаш усулларини чуқур билиши; фазодаги жисмларни текисликда проекциялай олиши; позицион ва метрик маласалар алгоритмларини еча олиши; ортогонал проекциялар асосида муҳандислик объектларини лойиҳалашни билиши; фазовий объектларни текисликда тасвирлаш усулларини билиши; ортогонал проекцияларни қайта тузишнинг асосий усулларини қўллаш билиши; сиртларни ҳосил қилиш усуллари, сиртдаги нукта ва тугри чизиқлар, сиртларнинг ўзаро кесишуви, сиртларнинг ёйилмасини билиши; конструктор хужжатларни, чизмаларни жиҳозлашни; тасвирлар қўринишлар, қирқимлар ва кесимлар, ёзув ва белгиланишларни билиши; жисмнинг берилган тасвирига боғлиқ ҳолда, уни тасаввур қила олиши; Давлат стандартлаштириш тизими ва конструктор хужжатларнинг ягона тизими талаблари асосида муҳандислик чизмаларни тузиш тартиби ва қоидаларини билиши; чизмаларини ўқиш ва деталларга ажратиш, йиғиш чизмаларини бажариш талабларини назарий ва амалий фойдаланишни билиши; чизмаларни тузиш малакасига эга бўлиши ва уларни ўқий олиши лозим;

– Пластик анатомия фани пластик анатомия одам танасини тузилиши ҳақидаги фан эканлиги; унинг ташқи шакллари ва шакллар характери билан ҳамбарчас боғланганлиги; ташқи шаклларнинг органлар функциясини белгиловчилиги; тана тузилишининг элементлари ҳақида тушунча бериши лозим;

– Тасвирий санъат умумий тарихи фанини ўрганишда инсоният тарихидаги амалий ва тасвирий санъатнинг ривожланиш босқичлари, йирик меъморий обидалар, тасвирий санъат йўналишлари, жанрлари, йирик намоёндалари ҳақидаги билимларни етказиш;

Табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

Таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

Умумқасбий фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

– Касб таълими методикаси фани талабаларнинг педагогика, психология, умумқасбий ҳамда махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга тадбиқ этиш, касб - ҳунар коллежларида умумқасбий ва махсус фанлари бўйича дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек, уларга оид режалаштирувчи хужжатлар мазмунини билан таништирувчи, уларни тайёрлашни ўргатувчи фан бўлиб ҳисобланади

– Жонли одам қоматидан анатомик чизматасвир фани нафақат тасвирий санъат турларидан бири. Шу билан бир қаторда у реалистик тасвирий санъатнинг ҳамма турлари учун асос ҳамда бадий маҳорат гаровидир. У рассом учун тасвирий санъат ғояларини ифода этишда кенг имкониятлар ва эркинликлар туғдиради. Жонли одам қоматидан анатомик чизматасвир тахсили барча тасвирий санъат мутахассислари учун зарурияти

баб-баравар бўлиб у бадиий тасвирлаш маданиятига эга бўлган, реализм анъаларига содик рассом-шахсни шакллантиради.

– Чизматасвир фанида тасвирланувчи объектни сатҳда бадиий жойлаштириш, ҳаққоний тасвирлаш, уни тузилиш конструктив қурилишини, анотомик ҳолатларн, соя-ёруғ, перспектива қоидаларини қўллаш орқали табиий шакл кўринишини тасвирлашда фан ашёларидан унумли фойдаланиш бўйича амалий тажрибаларни шакллантириш;

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

– Рангтасвир фанида тасвирланувчи объектни сувли бўёқ турларида ишлаш, ранг қоришмаларида керакли рангни ҳосил қилиш, доғсиз бўяш, иссиқ-совуқ ранг колоритига эришиш, ҳаққоний, декоратив усулда ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

– Ашёда ишлаш фанни ўқитишдан мақсад – бўлгуси ижодкор мутахассислар томонидан тасвирий санъатнинг анъанавий ва замонавий мактаб анъаналарини назарий ва амалий ўрганиш, таҳлил қилиш, давомийлигини сақлаш ҳамда ривожлантиришда ҳозирги замон тасвирий санъатининг янги поғоналарини эгаллаш, яратилаётган бадиий асар таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва унинг бадиийлигини ошириш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда ижодий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажарилиши; рангтасвирда турли техникаларда яратилган композициялар ва уларнинг ўзига ҳослигини ҳамда дастгоҳли рангтасвир ўслуб ва йўналишлари урганилиши; турли техникалардан фойдаланиши; талаба мато ва ашёлардан, декоратив ранглардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши;

– Композиция фанининг ўқитиш мақсадлари: композицияда ҳаётий воқеликнинг руҳияти, соғлом эмоционал бадиий тизим яратиш; композицион асарларда фазовий тизимни эътиборли даражада ифодалаш асосларини ўрганиш; бадиий асар композицион тизимнинг ғоявий-бадиий ифодаси; ранглар уйғунлигининг эмоционал-психологик таъсирчанлик билан алоқаси; портрет композицион асарида образлилик; рангтасвир асари композицион тизимида атрибутлар уйғунлиги ва рангтасвир яхлитлиги, одатийлик ва индивидуаллик, натура эскизларини ишлаб чиқиш, умумий яхлитлиликни сақлаш, ҳаққонийликка эришиш;

– Рангшунослик ва композиция асослари фаннинг вазифаси малакали ижодкор рассом тайёрлашда “Рангшунослик ва композиция асослари” фанининг кўникмасини ҳосил қилиш; композиция реалистик асар яратиш қонун қоидалари бўйича талабаларда назарий билимларни шакллантириш асослари сифатида тасвирий санъат барча турлари – рангтасвирда ҳам бадиий ижоднинг асосий мақсади ҳисобланади. У яратиладиган бадиий асар пластик тизими ва унинг мазмун моҳияти ўзаро боғлиқлиги назарий жиҳатлари белгилаб беради. Шу билан бирга, композицион муҳитни ташкил этиш. Жисм ва жуссаларни ўзаро ритми, пластик жиҳатлари асар фазоси тасвирий ечими ҳақида маълумот беради. Композицияни тасвирий санъат асари сифатида шаклланишида қўплаб бадиий асар яратиш қонун қоидаларини ўрганиш ва ижодкор сифатида унга бўйсиниш, рассом санъаткор сифатида эса воқийликка бўлган дунёқарашни белгиловчи фалсафий мушоҳадани ўстириш, унга риоя этиш ва амалда қўллай билиш учун кўникмаларини ҳосил қилиш.

Қўшимча фанлар блоки

таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, қасбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

– Материалшунослик, рангтасвир техника ва технологияси фани рангтасвирнинг назарий ва амалий асослари; Тарихи, ашёларни таркиби, структураси, рангтасвирда қўлланадиган турли грунтлар классификациясини ўргатади; тағ асослар: мато, ёғоч, мойлар, лаклар, суюлтирувчиларнинг таркиби ва келиб чиқишини ўзига хослиги; қадимги рангтасвир мактаблари методлари, рассомларнинг ўзига хос усуллари ўргатади;

3.2. 5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади.

назарий таълим- 59,8%

аттестация-7,8%

малакавий амалиёт-11,7

битирув малакавий иши-2,9

таътил-17,6

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар- 21,2

умумқасбий фанлар- 40,9

ихтисослик фанлар- 32,8

қўшимча фанлар- 5,1

5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т/р	Фанлар блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1394
1.01	Ўзбекистон тарихи	84
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	84
1.03	Фалсафа	114
1.04	Диншунослик	58
1.05	Ўзбек (рус) тили	142
1.06	Хорижий тил	342
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	114
1.08	Санъат соҳасида ахборот технологиялар	114
1.09	Компьютер графикаси	114
1.10	Перспектива	114
1.11	Пластик анатомия	114
2.00	Умумкасбий фанлар	2694
2.01	Тасвирий санъат умумий тарихи	320
2.02	Касбий психология	58
2.03	Чизматасвир	1636
3.03	Жонли одам қоматидан анатомик чизматасвир	530
3.04	Рангшунослик ва композиция асослари	58
2.05	Танлов фанлари	92
3.00	Ихтисослик фанлари	2164
2.04	Рангтасвир	1672
3.02	Композиция	218
	Материалшунослик ва рангтасвир техника технологияси	274
4.00	Қўшимча фанлар	336
3.01	Ашёда ишлаш	186
4.04	Ҳаётини фаолият хавфсизлиги	58
4.01	Танлов фанлари	92
	Жами	6588
	Малака амалиёти	1296
	Битирув малакавий иши	324
	Аттестациялар	864
	Жами	2484
	ҲАММАСИ	9072

Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор

О.Р.Салихов

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йуналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриятнинг асосий таълим дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, тасвирий санъат, жанрлар, композиция, устохона ускуналари ва жихозлари, дастгоҳлар, мойбўёк, қилчўп(кист), планшет, подрамник, қалам, этюдник, ўчиргич, хольст, мастихин, политра, сангина, пастель, кўмирчўп, разбавитель, масло, лак, акварель, гуаш, линейка, картон, қоғозлар, калька, миллиметровка, мальберт.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Ректор Н.Б.Сайфуллаев

M.Ÿ.

2019 йил « 17 » 06

Ўзбекистон Бадий Академияси

Бош илмий котиб С.А.А — **Ф.А.Абиджанова**

M.Ÿ.

2019 йил «18» 06

КЕЛИШИЛГАН:


Ўзбекистон Республикаси
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни
тадбиқ этиш маркази

Директор Т. Т. Хакимов **3. Т. Хакимов**

M.Ÿ.

2015 йил « 19 » 06

Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби




Директори  У.Б.Ҳакимов

M.Ÿ.


201⁹ йил « 19 » 26

**Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
5150800 – Рангтасвир (дастгоҳли) таълим йўналиши бўйича Малака
талабларини ишлаб чиқиш бўйича**

Ижодий ишчи гуруҳ рўйхати

№	Ф.И. Ш.	Лавозими	Имзо
1	Сайфуллаев Н.Б.	Ректор, ижодий ишчи гуруҳ раиси	
2	О.Р.Солиҳов	Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
3	Қ.Р.Қодиров	Ўқув бўлими бошлиғи, аъзо	
4	Э.Х.Хаитов	Дастгоҳли рангтасвир кафедраси мудири, аъзо	
5	У.Утанова	Ижтимоий фанлар, Педагогика ва касбий таълим кафедраси мудири, аъзо кафедраси	
6	О.О. Абдуллаев	Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси мудири, аъзо	
7	С.Закирова	Информатика ва менежмент кафедраси мудири, аъзо	
8	М.Э.Тошмуродов	Дастгоҳли рангтасвир кафедраси профессори, Республика санъат арбоби.	


 Ректор  Н.Б.Сайфуллаев

Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор  О.Р.Салихов

Тасвирий санъат факультети декани  А.А.Юсупов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш
150000-Санъат таълим соҳаси ўқув-услубий бирлашмаси
Йиғилишининг 70-сонли

БАЁННОМАСИ

2019 йил "29" июнь

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Бирлашма раиси – И.Юлдашев

Аъзолари: А.Мансуров (ЎзДК), Қ.Қодиров (МРДИ), Ш.Тохтасимов, Ж.Ғаниев (МРХОМ), З.Алиева (ЎзФАСИ), Р.Исмаилов, А.Ўрозов (ЎзДСМИ).

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрельдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сон, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сон, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сон Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сон топшириғида белгилаб берилган вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси И.Юлдашев:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрельдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сон, 2019 йил 17 июндаги

“2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сон топшириғида белгилаб берилган вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ МРДИ ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ 150000-Санъат таълим соҳасининг 27 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 15 та магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиладиганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

1. МРДИ ўқув-методика бўлими бошлиғи Қ.Қодиров: Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида мавжуд таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун янги талаблар асосида ишлаб чиқилган ҳамда хорижий турдош олий таълим муассасаларининг тажрибалари асосида такомиллаштирилган Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳага юксак билимли ва юқори малакали кадрларни етказиб беришга йўналтирилган ҳамда санъат таълимининг замонавий ривожланиш тенденцияларини ўзида тўлалигича акс эттирган ҳамда бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради.

Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда маданият ва санъат соҳасида олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб замонавий инновацион жараёнлар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни бажаришга мўлжалланган.

Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг такомиллаштирилган Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

2. Бирлашма аъзоларидан: Ш.Тўхтасимов (МРХОМ), З.Алиева (ЎзФАСИ), Қ.Қодиров (МРДИ), Р.Исмаилов (ЎзДСМИ) сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларни билдирдилар.

Шунингдек, улар ишлаб чиқилган барча Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

3. Бирлашма раиси, И. Юлдашев – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари олий таълим талаблари асосида тузилган, уларда республикамызда санъатнинг барча соҳаларини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислохотлар тўлалигича ўз аксини топган деб ўйлайман.

Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги ишлаб чиқилган Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини санъат билим соҳаси бўйича ўқув-услубий бирлашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

Бакалавриат таълим йўналишлари:

1. 5111000 - Касб таълими (5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли))
2. 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (либос ва газламалар))
3. 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (интерьерни лойиҳалаш))
4. 5111000 - Касб таълими (5151200-Амалий санъат (турлари бўйича))
5. 5150200 - Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат)
6. 5150200 - Санъатшунослик (санъат танқидчилиги)
7. 5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли)
8. 5150800 - Рангтасвир (маҳобатли)
9. 5150800 - Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими)
10. 5150800 - Рангтасвир (театр безаги)
11. 5150800 - Рангтасвир (мультифильм ва компьютер мультипликацияси)
12. 5150900 - Дизайн (либос ва газламалар)
13. 5150900 - Дизайн (интерьерни лойиҳалаш)
14. 5150900 - Дизайн (Саноат дизайни)
15. 5150900 - Дизайн (реклама ва амалий графика)
16. 5150900 - Дизайн (компьютер графикаси ва бадий фото)
17. 5151000 - Графика (дастгоҳ ва китоб графикаси)
18. 5151000 - Графика (хаттотлик ва миниатюра)
19. 5151100 - Хайкалтарошлик (маҳобатли)
20. 5151100 - Хайкалтарошлик (майда пластика)
21. 5151200 - Амалий санъат (бадий кулолчилик)
22. 5151200 - Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш)
23. 5151200 - Амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш)
24. 5112500 - Музей педагогикаси
25. 5151900 - Музейшунослик(музей предметлари экспертизаси, консервац. ва таъмирл.)
26. 5151900 - Музейшунослик (музей менежменти ва маданий туризм)
27. 5230200 - Менежмент (арт менежмент ва галерея иши)

Магистратура мутахассисликлари:

1. 5A150203 - Санъат назарияси ва тарихи (турлари бўйича)
2. 5A150204 -Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш
3. 5A150801 - Рангтасвир: дастгоҳли рангтасвири
4. 5A150802 - Кино ва телефильмнинг тасвирий ечими
5. 5A150803 - Мультифильм ва компьютер мультипликацияси
